

Мухтарама ва азиз опа-сингиллар! Умрингиз узун,
толеингиз баланд, ризқ-насибангиз зиёда бўлсин!



O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

• 2008-yil • 8-mart • Shanba • 30 (27.835) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan

ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Бугун гўзал диёримизга барчамиз орзиқиб кутган баҳор нафаси кириб келаётган мана шу ёруғ кунларда сиз, азизларни — мунис оналаримиз, меҳрибон опа-сингилларимиз, дилбар қизларимизни 8 март — Хотин-қизлар байрами билан чин қалбимдан муборакбод этишдан бахтиёрман.

Кўхна тарихимиз давомида айни шу баҳор фаслида табиат гўзаллигининг ажралмас қисми бўлган аёл зотини улуғлаш, унга ҳурмат ва эҳтиром баҳо келтириш эзгу ва кутлуг бир анъанага айланиб, маънавий ҳаётимиздан чуқур жой олган, десак, ҳар томонлама тўғри бўлади.

Биз аёл тимсолида аввало Яраттанинг буюк мўъжизаси бўлиши мўқаддас она сиймосини кўрамиз ва барчамизни дунёга келтирган, оқ ювиб, оқ тараган бу улуг зотининг олдида умрбод қарздорлик ҳисси билан яшаймиз.

Ёр юзида не-не улуг шоир ва мутафаккирлар аёлнинг чексиз меҳр-муҳаббати, гўзаллиги ва латофати, вафодорлиги ва фидойилигини тараннум этиб, қанчадан-қанча шеър дostonлар, таърифу тавсифлар битган бўлмасин — менинг бунга имоним қомил — уларнинг барчаси бизнинг аёлларимизга мансуб ва муносиб, деб айтсам, ўйлайманки, юртимизда яшаётган, ўзини мард деб биладиган ҳар қайси инсон бу фикрга сўзсиз қўшилиди.

Биз бугун Ўзбек аёли ҳақида гапирганда, албатта буюк бобомиз, шеърят мулкининг султони Алишер Навоий куйлаган бетақорр фазилатлар соҳибасини ўзимизга тасаввур қиламиз. Шу билан бирга, бугунги кунда ўз акли, билими ва истеъдоди, меҳнатсеварлиги ва шижоати билан ҳаётнинг ҳақиқатчи соҳабасини тебратиб — бу оила бекалиги бўладими, давлат ва жамият бўшаруви, тиббиёт, таълим-тарбия, маданият ва илм-фан тараққиёти бўладими, фермерлик ҳаракати ва касаначилик, кичик бизнес ва тадбиркорлик бўладими — мана шундай мураккаб вазифаларни аёлларимиз самарали адо этиб келаётганини катта гуруҳ ва мамнуният билан таъкидлаймиз.

Биз истиқлолга эришган дастлабки кунлардан бoshлаб мамлакатимизда хотин-қизларнинг ижтимоий ва сиёсий фаоллигини, маънавий ва интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, уларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, оила, оналик ва болалиқни муҳофаза қилиш масаласини ўз олдимизга устувор вазифа қилиб қўйганимиз ва шу йўлда амалга ошираётган улкан ишларимиз бугун ўзининг ҳосилини бераётгани барчамизни қувонтиради.

Юртимизда 2008 йилни Ёшлар йили деб эълон қилганимиз ўз ҳаётининг маъно-мазмунини фарзанднинг бахту қамолини кўришда деб биладиган ота-оналарнинг орзу-уялларини рўйбга чиқариш йўлида яна бир улкан қадам бўлди, десам, ўйлайманки, хато бўлмайди.

Шу мақсадда ёш оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга муносиб уй-жой ва ижтимоий-маиший шартлолларни тўғдириб бериш, рўзгорини бутлаш учун маблағ ва кредитлар ажратиш бўйича қилаётган амалий ишларимиз барчангизга яхши маълум. Айниқса, ҳар қайси келин-куёвнинг эзгу орзуи бўлган соғлом зурриёдни дунёга келтириш, жисмоний ва маънавий жиҳатдан етук фарзандларни вояга етказиш учун ҳаётини имкониятларни яратиб беришга қаратилган

дастур ва режаларимиз нафақат ёш оилаларнинг бахтли бўлиши, балки бутун жамиятимизнинг равнақ топишига, дунё ахли ҳавас қиладиган янги, баркамол авлодни тарбиялашга беқиёс ҳисса бўлиб қўшилиди, деб қабул қилишимиз зарур.

Бугунги ва эртанги ҳаётимизнинг гарови бўлиши бундай ўта муҳим масалага айни шу кўз билан қараш шу заминда яшаётган ҳар қайси фуқаромизнинг қалби ва онгидан теран жой олишини истардим.

Азиз ватандошларим!

Бугун биз халқаро демократик ҳамжамият сафидан муносиб ўрин эгаллаш, ҳеч кимдан кам бўлмайдиган фуқаролик жамияти барпо этишни ўз олдимизга юксак мақсад қилиб қўйган эканмиз, аҳолиимизнинг онгу тафаккури, дунёқарашини янада кенгайтириш, бу йўлда тўсиқ бўлиб турган, эскидан қолган қолдиқ ва асоратлардан бутунлай воз кечиш, замон талаблари билан уйғун ва ҳамоҳанг бўлиб яшаш муҳим аҳамият касб этишини яхши англаб олишимиз лозим.

Шу борада аёлларимизга ҳар томонлама муносиб шaroит яратиб бериш йўлида олиб бораётган ишларимизни ҳам қонуний, ҳам амалий жиҳатдан янада қучайтириш, уларнинг қобилият ва истеъдодини тўла рўйбга чиқариш, жамиятимиздаги обрў-эътибори ва нуфузини ошириш — бундай вазифалар фақатгина сўзда эмас, қундалиқ ҳаётимизда ўз ифодасини топиши шарт.

Фурсатдан фойдаланиб, бир фикрни минтдорлик билан, алоҳида таъкидлаб айтмоқчиман: ҳеч шубҳасиз, опа-сингилларимиз, қизларимиз бошқаларга нисбатан ҳаётнинг оғир-енгли, аччиқ-чучугини чуқур англаши, ҳар қандай қийин вазиятда ҳам ўзини йўқотмасдан, сабр-тоқат ва шукроналик билан яшаш, уларнинг ҳаётга, меҳроқибат ва яхшиликка бўлган сўнмас ишончи, ҳақиқатан ҳам оила устуни эканини амалда тасдиқлаб келаётгани мени доимо ҳайратда қолдиради ва аёл зоти олдида таъзим қилишга ундайди.

Бугун, ҳар кун янги-янги таъшиш ва муаммоларни ечишга тўғри келаётган шиддатли замонда аёлларимизнинг кўпроқ кадрлаш, қарда ишлашимиз, қайси ёшда бўлишимиздан қатъи назар, ўз умр йўлдошларимиз, опа-сингилларимизга, бир сўз билан айтганда, биз учун севишли ва ардоқли бўлган инсонларга самимий муносабатимизни чин дилдан намоён этиш — бу албатта умримизнинг маъно-мазмунини янада бойитиш, уни ҳушнуд қилишга хизмат қилган бўлур эди, десам, ўйлайманки, айни ҳақиқатни айтган бўламан.

Мухтарама ва азиз опа-сингилларим! Барчангизни гўзал айёмингиз билан яна бир бор чин қалбимдан муборакбод этаман. Умрингиз узун, толеингиз баланд, ризқ-насибангиз зиёда бўлсин!

Оилангизнинг бахту саодатини, фарзандларингизнинг қамолини кўриш, ширин-шарқ набираларнинг бешигини тебратиш ҳар бирингизга насиб этсин!

Хонадонларингиздан файзу барака ари-масин!

Бахтимизга ҳамиша омон бўлинг, азизларим, меҳрибонларим!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

ИСТЕЪДОДЛИ ҚИЗЛАРГА ҚАНОТ БЎЛИБ

Юртимизда истеъдодли ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, миллий истиқлол ғоялари ва маданий-маърифий қадриятларини ҳаётга татбиқ этишдаги ибратли фаолиятини рағбатлантириш давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидандир.

Президентимиз Ислом Каримовнинг «Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирлаш тўғрисида»ги қарорига кўра Ватанимизнинг мазкур нуфузли мукофотида сазовор бўлган бир гуруҳ иқтидорли қизлар 8 март — Халқаро хотин-қизлар кунини арафасида пойтахт-тимиздаги Ўзбекистон халқ шо-

махсус таълим вазирлигида ҳам бўлиб ўтди. Унда Қадрлар тайёрлаш Миллий дастури асосида юртимизда олий таълим тизими ҳам сифат ва мазмун жиҳатдан тобора тақомиллаштириб бораётгани, айни пайтда талабаларнинг билим олиши, қобилият ва истеъдодининг юзага чиқиши, маънавиятининг юксалиши, саломатлигини мустаҳкамлаш учун барча шaroитлар яратилаётгани алоҳида таъкидланди.

Назозат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири

Shu aziz Vatan — barchamizniki



Баҳор ва гўзаллик тимсоли

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз тароққиётини таъминлаш, ҳаётини янада кенгайтириш, ватанимиз куч-қудратини ошириш йўлида амалга оширилаётган масъулиятли жараёнда хотин-қизларнинг ҳам муносиб ўрни бор. Шу боис уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш давлатимиз сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири этиб белгиланган.

Юртимизнинг барча ҳудудларида, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва пойтахтимизда 8 март — Халқаро хотин-қизлар кунини кенг нишонланмоқда.

7 март кунини «Туркистон» са-

ройида бўлиб ўтган тантанали йиғилишга турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари, жамиятимиз ҳаётининг барча жабҳаларида самарали меҳнат қиладиган илгор хотин-қизлар, мунис онахонлар та-

лиф этилди.

Тантанали йиғилишнинг Тошкент шаҳар ҳокими А.Тўхтаев очди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон хотин-қизларига байрам табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси С.Иномова Президентимиз раҳнамолигида барча соҳаларда илчиллик билан олиб борилаётган ишлорлар жараёнида хотин-қизларнинг фаол иштирокини

таъминлаш, уларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва мавқеини янада юксалтириш, ижтимоий-ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш алоҳида ўрин ва аҳамият касб этаётганини таъкидлади. Давлатимиз раҳбарининг 2004 йил 25 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чоратадбирлар тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ хотин-қизларни ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, оила, оналик ва болалиқни муҳофаза қилиш йўналишидаги ишлар ҳажми ва

қўламини янада кенгайтири.

Хотин-қизларнинг соғлигини сақлаш, соғлом силани шакллантириш, аёллар ва оила спортини ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш масалалари доимий эътиборда. Юртимизда қад ростиётган ва замонавий жиҳозлар билан таъминланган соғлиқни сақлаш масканлари, спорт-соғломлаштириш мажмуалари, маънавий-маърифий муассасалар шу мақсадга хизмат қилмоқда.

2-бет

ТУРКМАНИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФИГА ДОИР

Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов жорий йилнинг 10-11 март кунлари давлат ташрифи билан Ўзбекистон Республикасида бўлади.

Ташриф чоғида Ўзбекистон — Туркменистон ҳамкорлигини кенгайтириш масалалари, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга эга долзарб муаммолар муҳофаза қилинади. Музокара ашуларни бўйича икки давлатнинг турли соҳалардаги ҳамкорлигини ривожлантиришга қаратилган қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилган.

Давлат ташрифи арафасида

ДЎСТЛИК RIШТАЛАРИ МУСТАҲКАМ

дий ҳамкорлик тўғрисидаги давлатлараро шартнома имзоланди. Бу ҳужжатлар Ўзбекистон билан Туркменистон ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларини сифат жиҳатдан юқори поғонага кўтаришга хизмат қилмоқда.

Ашхобод саммитида ўзаро алоқаларни ривожлантириш мақсадида шартномавий ҳуқуқий пойдеворни янада тақомиллаштиришга, томонларни қизиқтирган масалалар юзасидан мунтазам маслаҳатлашувларни йўлга қўйишга келишиб олинди. Президентларнинг Қўшма баёнотида таъкидланганидек, Ўзбекистон ва Туркменистон халқаро ташкилотлар доирасида ҳам сайёҳаракатлари ўзаро мувофиқлаштириб боради. Терроризм, экстремизм, наркотрафик, трансмиллий уюшган жиноятчилик каби

тахдидларга қарши қўшма борасида ҳам ўзаро ҳамкорлик ўрнатилган.

Туркменистон пойтахтида ўтган олий даражадаги учрашувда Ислом Каримов ва Гурбангули Бердимухамедов савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш борасида икки томон ҳам катта салоҳиятга эга эканлигини таъкидлаб, уни тўла ишга солиш учун Савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Туркменистон қўшма комиссияси ишини фаоллаштиришга келишиб олдилар. Айниқса, ёқилғи-энергетика мажмуи, транспорт-коммуникация инфратузилмаси, энергия манбаларининг транзити, сув ресурсларидан унумли фойдаланиш каби соҳалар устувор аҳамият касб этади.

Президент Ислом Каримовнинг ташрифи чоғида 2008-2010 йилларга мўлжалланган маданий-гуманитар ҳамкорлик дастури ҳам қабул қилинди. Унда ҳамкорликда маданий-гуманитар тадбирлар ташкил қилиш, миллий-маданий меросни тиклаш ва сақлаш борасида тегишли идораларнинг алоқаларини ривожлантириш назарда тутилган. Ушбу ҳужжатга асосан илм-фан, маданият ва санъат, таълим, архив ишлари билан шуғулланувчи ташкилотлар ўртасида ҳамкорлик мустаҳкамланади. Ижодкор ва тадқиқотчиларнинг

мулоқотлари учун янги имкониятлар яратилади.

Ўзбекистон ва Туркменистон халқлари қадимдан бир-бирининг тўй-ҳашида, сайилу байрамида қатнашиб келган. Истиқлол йилларида ана шу анъанавий алоқаларни сақлаб қолиш учун чегарадан ўтмиш тартибини белгилловчи қатор ҳужжатлар ишлаб чиқилди. Бу икки давлат фуқароларининг, транспорт воситаларининг ўтиб-қайтишини осонлаштириш билан бирга қурол-яроғ ва наркотик моддалар контрабандасига, эпидемияларга қарши биргаликда курашиш учун ҳам ҳуқуқий асос бўлди.

Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар ривожланиб бораётганига яна бир далил сифатида қишлоқ ҳўжалиги зарарқуналдари ҳамда ўсимлиқлар касаллиқларига қарши курашиш борасидаги ҳамкорлиқни келтириш жоиздир. Ўзбекистон ва Туркменистон иқтисодиётида қишлоқ ҳўжалиги муҳим ўрин тутди. Мамлакатларимизнинг бу борадаги ҳамкорлиги ўзаро муносабатлар пухта уйланган, келишилган ва мувофиқлаштирилган стратегия асосига қурилгандан далолат беради.

Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедовнинг Ўзбекистон Республикасига давлат ташрифи мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янги, янада юқори босқичга кўтаришга хизмат қилади.

(ЎЗА)

O'zbekiston havo yo'llari



Хизматлар лицензияланган

(Ўз мухбиримиз)

✓ **Аёл ва жамият**

Гўзаллик, садоқат — эзгулик тимсоли

Аёл биринчи галда она, она эса Ватан тимсоли. Шунинг учун ҳам «Онани эъзозлаш — бизнинг ҳалқимиз учун олий қадрият даражасига кўтарилган фазилат. Чунки аёлларни қанча улуғласак, ҳаётимизнинг чироғи, умримизнинг гули деб эъзозласак, демакки, оиламизни, Ватанимизни эъзозлаган бўламиз», дея эътироф этган Юртбошимиз мустақиллигимизнинг илк кунлариданоқ жамиятда аёллар мавқеини ошириш, оила мустаҳкамлиги ва барқарорлигини таъминлаш, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашни жамият таъқибининг муҳим мезони сифатида белгилаб берган эдилар.

Дарҳақиқат, Аёл, Оила, Жамият сўзлари шунчалар уйғун ва муштаракки, буларни бир-биридан айрича тушуниб бўлмайди. Аёл — гўзаллик, оила — садоқат, жамият — эзгулик тимсолига айлансагина, бу бирлик тараққиёт рамзи бўла олади.

Аёл гўзаллигида унинг вафоси, латофати, назокати ва нафосати мужассамлашган. Шу боис ҳам аёлни эъзозлаш шарқона маданий меросимиз сирасига кирадиган қадриятлардан ҳисобланади.

Бу қадриятнинг илдизи инсоният тарихининг бошланишига бориб тақалиши, шубҳасиз. Ўзбек аёлининг ихтимойий ҳаётдан фаоллашуви ҳалқимизнинг кўҳна тарихи, сийрати, маънавий-ахлоқий олами эса миллий қадриятларимиз билан чамбарчас. Соҳибқирон Амир Темур бобомиз ҳам аёлларга нисбатан юксак эътибор ва иззат-икром, эътирому эъзоз билан қараганлар. Қолаверса, аждодларимизнинг аёлларни эъзозлаш, уларга оила нури, жамиятнинг муҳим суянчи деб қараши, улуғ аждодларимиз томонидан эъзозланганини тарихимиздаги кўпдан-кўп жасоратли ва оқила аёлларимиз тимсолида ҳам кўраимиз.

Ҳақиқатан, аёлга бўлган эътибор — оилага, фарзандларга, келажак авлодга бўлган эътибор демакдир. Ҳалқимизнинг «Ватан остонадан бошланади» деган нақли замирида жуда катта маъно-мазмун мужассам. Зеро, остона бу — оила. Момоларимиз келинларни аввал остонага бош урдириб, сўнгга уйга киритиши бежиз эмас. Бу урф-одат оиланинг муқаддаслигига ишорадир. Оилага ҳалқимиз томонидан

ор-номус, садоқат ва муҳаббат қўрғони, деб қаралади. Шундай экан, аёлни эъзозлаш, оилани муқаддас билиш, Ватанни севиш бизнинг энг улуғ фазилатимиз. Бу туйғу ўзбек ҳалқининг миллий маданий мероси билан ўлчанади.

Асрларки бу эзгу ҳақиқат бизнинг юртимизда тантана қилиб келмоқда. Истиқлол йилларида аёл, оила, жамият тушунчаларининг муштараклигига алоҳида эътибор қаратилди. Хотин-қизларнинг жамият ҳаётидаги ролини белгилашда уларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқлари, уларга тегишли меҳнат шартларини яратиш, иш ҳақи, дам олиш ва меҳнат таътиллари бериш билан боғлиқ масалалар муҳим аҳамият касб этди. Айниқса, ҳомиладор ва ёш болалар аёлларга қулай шароит ва кенг имкониятлар яратиб берилган.

Хуллас, ўзбек аёлларининг аввало оиладаги тутган ролига бўлган муносабат йил сайин кенгайиб бормоқда. Бу эса мамлакатимизда аёлларга кўрсатилаётган ғамхўрликнинг муҳим бўғинини ташкил этади.

Абдуқамол РАҲМОНОВ,
Адлия вазирлиги бошқарма бошлиғи

Акциядорлик тижорат

«**ҲАМКОРБАНК**»

Термиз филиали

жамоаси



Халқимизни гўзаллик ва нафосат шодиёнаси —

8-март Халқаро хотин-қизлар байрами ҳамда яқинлашиб

келаётган Наврўзи олам билан муборақбод этади.

Илоҳим, юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин.

Ҳар бир кунимиз хурсандчиликка айлансин!

Филиал томонидан ўтган йили сурхондарёлик тадбиркор ва

ишбилармонларга 5 миллиард 462 миллион сўмдан ортиқ кредитлар ажратилди.

Маблағларнинг салкам 1 миллиард 900 миллион сўмини истеъмол,

462 миллион сўмини эса ипотека кредитлари ташкил этди, қолган қисми эса

кичик бизнесни ривожлантиришга йўналтирилди. Натижада ишлаб чиқариш,

савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларида кўпплаб янги иш ўринлари вужудга келди.

Иш билан таъминланганларнинг асосий қисмини ёшлар ташкил этди.

Жамоа ёшлар йилида ҳам

қатор хайрли ишларни

амалга оширишни

режалаштирган.

Зеро, банк ва мижоз

ҳамкорлиги

муваффақиятлар гаровидир.

Жамоа яна бир бор

халқимизни баҳор ва

гўзаллик байрамлари билан

муборақбод этади.

Хужжат қабул қилинмади

БМТ Хавфсизлик Кенгаши Иерусалимда бўлиб ўтган теракт тўғрисида хужжат қабул қила олмади, деб хабар беради РИА Новости.

Кенгашнинг шу масалада ўтказган шошилинч мажлиси сўнггида Исроил ва Ливия биринчи порташани уюштиришда айблади. Исроилнинг БМТдаги вакили Дан Гилперманнинг фикрича, айнан Ливия делегацияси хужжатни қабул қилишга қаршилиқ кўрсатган. Хужжатда Исроилдаги диний мактабга қилинган ҳужум қораланган эди. Эслатиб ўтамиз, теракт натижа-сида саккиз киши ҳалок бўлиб, етти киши жароҳат олганди.

БМТ «гулдаста»си

БМТ Халқаро аёллар кўнига атаб аёллар ҳуқуқини ҳимоя қилишга қаратилган резолюциялар «гулдаста»сини тақдим этмоқда, деб хабар беради РИА Новости.

Жумладан, Озарбойжон асирга олинган аёллар ва болаларни озод қилишни тақлиф этган. Хужжатда таъкидланишича, аёллар ва болаларни асир олиш ҳеч қандай йўл билан оқлашни мумкин эмас. Антигуа ва Барбуда давлатлари эса миллатларни фаластинлик аёлларга ёрдам беришга чақирди. Шунингдек, резолюцияда фаластинлик аёлларнинг назорат пунктларидан ўтолмасдан, ўша жойдаёқ тиббий ёрдамсиз кўзи ёриётгани айтилган. Замбия эса аёлларни СПИДдан сақлаш учун чора-тадбир ишлаб чиқишни тақлиф қилди. Кабо-Верде ҳукумати Африка ва Осиёда аёлларга жисмоний ва руҳий азоб берувчи маросимларни тўхтатиш талаби билан чиққан. Танзания шундай маросим учун жиноий жавобгарлик жорий қилган ўн та давлат сирасига киради. Аммо бундай маросимлар Буркина-Фасо, Кот-д'Ивуар, Гана, Гвинея, Жибути, Миср, Сенегал, Того ва Марказий Африка Республикасида ҳамон ўтказиб келинади. Байрам олди-дан тантанали маросимда сўзга чиққан БМТ бosh хотиби Пан Ги Мун аёлларнинг касб эгаллаши ва кичик тадбиркорлиқни йўлга қўйиши учун инвестициялар киритиш кераклигини айтиб ўтди.

586 кг. героин ушлаб қолинди

Наркотик моддаларни мамлакатимиз ҳудудидан олиб ўтишга бўлаётган уринишлар сўнгги пайтда кўпайиб бораётгани аҳолининг ҳақли норозилигига сабаб бўлмоқда. Шу сабабли аҳоли ҳуқуқ-тартибот идораларига наркотик моддаларни олиб ўтишга уринаётган жиноятчиларга қарши курашишда яқиндан ёрдам бермоқда.

Қашқадарё вилояти Ғузор тумани Янгикент қишлоғи аҳолиси қишлоқда пайдо

бўлган шубҳали шахслар ҳақида дарҳол участка но-зири Р.Бегимқулов ва аҳоли пункти милиция бошлиғи А.Маҳмудовга хабар беришди. Натижада катта миқдор-даги наркотик моддалар уш-лаб қолинди.

Шу йилнинг 19 февраль куни Ўзбекистон Республика-си ИИБ ва МХХ идоралари ҳамкорлигида ўтказилган тез-кор тадбирлар чоғида Афго-нистонда ишлаб чиқарилган, Тожикистондан Сурхондарё

вилоятига олиб қилинган ва Қашқадарё вилояти Ғузор ту-мани Янгикент аҳоли пункти орқали катта миқдордаги ге-роинни олиб ўтаётган жино-ятчилар гуруҳи фoш этилди. ЗИЛ-130 юк автомашинаси-нинг махсус жиҳозланган хуф-я жойларига яширилган 586 кг.дан ортиқ героин то-пилди. Ушбу ҳолат бўйича жиноий иш кўзгатилади ва Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 273- (наркотик моддаларнинг но-

қонуний савдоси) ҳамда 246- (контрабанда) моддалари бўйича тергов ишлари олиб боришмоқда.

Ушбу жиноий ишга алоқа-дор шахслар гуруҳи, яъни наркотик моддаларни олиб ўтиш ташкилотчилари ва иж-рочилари, шунингдек, улар-нинг ёрдамчилари қўлга олинди. Ушланганлар ўз ай-бларига иқдор бўлиб, жино-ий ишнинг барча жиҳатлари-ни очишга ёрдамлашувчи кўрсатмалар бермоқдалар.

«Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК

ТЕНДЕР КОМИССИЯСИ

Асбоб-ускуналарни етказиб бериш, дастурий таъминлаш, йўловчилар ташвишда АСУ «Экспресс-3» автоматлаштирил-ган бошқарув тизимини жорий этиш бўйича ишлаш ва хиз-мат кўрсатиш учун 2007 йилда эълон қилинган 14-сонли тен-дер юзасидан хужжатларни қабул қилиш муддати келтири-лаётган асбоб-ускуналарнинг ишлаш ва дастурий таъминлаш жараёни ўрганилаётганлиги муносабати билан 2008 йил 6 апрелгача узайтирилганлигини маълум қилади.



Тендер хужжатларини олиш учун куйидаги манзилга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Т.Шев-ченко кўчаси, 7. «Ўзбекистон те-мир йўллари» ДАТК, «Темирйўл-ёнилғитаъмин» бошқармаси, 410-хона.

Телефонлар: 138-84-72, 138-86-34.

14-сонли тендер бўйича хужжат-ларни топширган иштирокчилар тендер комиссиясининг ишчи органига юқорида кўрсатилган те-лефонларга мурожаат этишлари-ни сўраймиз.

Барча турдаги қурилиш ташкилотлари раҳбарлари диққатига!

БУХОРО ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ ХУЗУРИДАГИ

«ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

2008 йилда қуриладиган куйидаги иншоотлар бўйича пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича очик танлов савдолари ўтказилишини эълон қилади:

Иншоотнинг номи	Буюртмачининг бошланғич нархи (минг сўм)
Лот 1. Мукаммал таъмирлаш	
Лот 1-1. Бухоро шаҳридаги 23-сонли мактаб	207696,16
Лот 1-2. Бухоро шаҳридаги 28-сонли мактаб	192738,56
Лот 1-3. Когон шаҳридаги 7-сонли мактаб	161677,04
Лот 1-4. Олот туманидаги 7-сонли мактаб	178595,5
Лот 1-5. Олот туманидаги 32-сонли мактаб	95773,96
Лот 2. Мукаммал таъмирлаш	
Лот 2-1. Бухоро туманидаги 11-сонли мактаб	93039,32
Лот 2-2. Бухоро туманидаги 14-сонли мактаб	93038,63
Лот 2-3. Вобкент туманидаги 6-сонли мактаб	68079,26
Лот 2-4. Вобкент туманидаги 8-сонли мактаб	148438,21
Лот 2-5. Вобкент туманидаги 24-сонли мактаб	93037,51
Лот 3. Мукаммал таъмирлаш	
Лот 3-1. Гиждувон туманидаги 23-сонли мактаб	188538,3
Лот 3-2. Гиждувон туманидаги 30-сонли мактаб	139038,19
Лот 3-3. Гиждувон туманидаги 45-сонли мактаб	139038,55
Лот 3-4. Жондор туманидаги 36-сонли мактаб	189037,49
Лот 3-5. Жондор туманидаги 4-сонли мактаб	34477,08
Лот 4. Мукаммал таъмирлаш	
Лот 4-1. Когон туманидаги 10-сонли мактаб	92077,8
Лот 4-2. Қорақўл туманидаги 17-сонли мактаб	107895,13
Лот 4-3. Қорақўл туманидаги 34-сонли мактаб	107999,92
Лот 4-4. Пешку туманидаги 8-сонли мактаб	64913,02
Лот 4-5. Пешку туманидаги 12-сонли мактаб	97521,65
Лот 5. Мукаммал таъмирлаш	
Лот 5-1. Пешку туманидаги 30-сонли мактаб	132097,49
Лот 5-2. Ромитан туманидаги 24-сонли мактаб	93038,7
Лот 5-3. Ромитан туманидаги 19-сонли мактаб	207673,06
Лот 5-4. Шофиркон туманидаги 1-сонли мактаб	189037,4
Лот 5-5. Шофиркон туманидаги 15-сонли мактаб	147397,54

Иншоотларни фойдаланишга топшириш муддати — 2008 йил 1 август.

Қурилиш ишлари давлат инвести-ция маблағлари ҳисобидан молия-лаштирилади.

Буюртмачи: Бухоро вилояти ҳокимлиги хузуридаги «Ягона буюрт-мачи хизмати» инжиниринг компа-нияси.

Манзили: Бухоро шаҳри, Навоий шoҳ кўчаси, 5-уй.

Факс: 223-63-23. Тел.: 223-63-26.

Талабгор сифатида қатнашаёт-ган корхона ва ташкилотлар куйи-

даги талабларга мос келишлари керак: устав сармояси миқдори, тан-лов савдолари предметининг камида 20 фоиз миқдорда айланма маблағ-ларга ёки кўрсатиб ўтилган маблағ-ларни тақдим қилишга банк кафолат-номаси мавжудлиги, ишлар (хизмат-лар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассис-ларнинг мавжудлигига, танловга қўйилган объекта ўхшаш иншоотлар-ни мукаммал таъмирлаш бўйича ка-

мида 2 йиллик иш тажрибаси ва кўникмаларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга ҳамда ўзаро ишончга, шунингдек, етарли ишчи кучи захираларига эга бўлишлари лозим.

Қайта ташкил этиш (бўлиниш, бирлашиш), тугатиш ёки банкрот-лик босқичида бўлган, мулкни ҳат-лаб қўйилган талабгорлар ва таъ-сис хужжатлари, молиявий қатна-шиш, холдинг шаклидаги ва бошқа шаклларда ифодаланган бир-би-рига бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки молиявий боғлиқ бўлган таш-килотларнинг танлов савдолари-да қатнашиши тақиқланади.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси хужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо таш-килотчиси — Бухоро вилояти қури-лишда танлов савдолари ва нарх-ларни шакллантириш ҳудудий кон-салтинг марказига куйидаги ман-зил бўйича мурожаат қилиш мум-кин:

Бухоро шаҳри, Навоий шoҳ кўчаси, 5-уй, 18-хона.

Тел.: 223-96-29,

факс: 223-97-51.

Танлов хужжатлари бир тўпла-ми (комплект) қўйматни — олти миш минг сўм.

Тақлифлар (оферталар) танлов савдолари очилиш куни ва соати-да қабул қилиниб, танлов қатнаш-чилари ва оферентлар иштироки-да очилади.

Тақлифлар (оферталар) очили-ши эълон матбуотда чоп этил-гандан бошлаб ўттиз кундан кейин куйидаги манзил: Бухоро шаҳри, Навоий шoҳ кўчаси, 5-уй, 18-хонада соат 10.00 да бўлиб ўтади.

**Бисёр бўлса агар бол ҳам беқадр,
Такрор айтилганда рангсиздир калом.**

Ҳаётимиз ўзингиздир

Бу кун олам аро байрам
Аёллар, борлигингиздан,
Кулиб боққай Кўёш, Ой ҳам
Аёллар, борлигингиздан.
Кулиб боққан Кўёш, Оймас —
Фалакнинг Сизга изҳори
Мунаввар куну тун олам
Аёллар, борлигингиздан.

Худойим банда кашф этмоқ
Каби мўъжизасин бермиш
Туғилмишимиз бўлиб одам
Аёллар, борлигингиздан.

Қаранг, саккиз кун аввалроқ
Бутун борлиқда қиш эрди
Сепин ёймиш бу кун кўклам
Аёллар, борлигингиздан.

Саранжомдир уйимиз ҳам,
Асл тўйдир тўйимиз ҳам,
Яшармиз тинчу хотиржам
Аёллар, борлигингиздан.

Азиз жуфти ҳалолимиз,
Мудом келмас малолимиз.
Овозимиз баланд, уқтам
Аёллар, борлигингиздан.

Зиёвуддин МАНСУР



Меҳр беринг, муҳаббат беринг...

Ҳазрати Бобур бир ғазалида
шундай ёзади:

**Жаҳондин менга ғам бўлса,
улусдин гар алам бўлса,
Не ғам юз мунча ҳам бўлса
сениндек ғамгусорим бор...**

Бу сатрлар Ҳазрати Бобур
тақдирдаги ғамлар, мени
тушунмайдиганлардан аламлар
қилиб ва шу ғамлар устига яна
шунча ғам бўлса-ю, аммо, бу
дунёда сениндек ғамгусорим
борлиги бу ғамларни барини
байрамга айлантиради, деган
маънони беради. Яъни шох ва
шоир олам шодлигини бир аёл
— ғамгусор дўст орқали юраги-
га сингдирмоқда.

Ҳа, аёл тақдирга гўзал
бўлмоқ, оқила бўлмоқ бахти
ёзилган. Яна шундай бахт ҳам
ёзилганки, бу дўст бўлмоқ
бахтидир.

Эрақ зоти борки, аёлга она,
рафика, опа-сингил деб қарай-

ди. Яна уларнинг битта ишончи
борки, у ҳам бўлса, аёлга дўст
деб қарашди. Дўст бўлмоқ
жуда масъулиятли. Сабаби —
шундай дардларинг бўладики,
уни онангга айтсанг, онанг ҳад-
сиз азоб чекади-ю, сенга ёр-
дам беролмайди. Ёрдам берол-
маганидан юз чандон ортиқ
азобланади. Опа-сингилга эса
бу ҳақда сўз очиб — уларнинг
қалбига озор беришдан бошқа
гап эмас. Рафикамга айтсанг,
агар у фақат умр йўлдоши
бўлибгина қолмай, балки дўст
ҳам бўлса, сени ҳар қандай қай-
гудан олиб чиқа олади. Ўз эри-
нинг юрагига мадда, оғир кун-
да сунча, яхши кунлар сабабко-
ри — қувонч улаша олган аёл-
лар орамизда жуда кўп. Бундай
аёл сизни ўзингиздан кўра
кўпроқ тушунади. У сизга ҳар
қандай табибдан яхшироқ мал-
ҳам бўла олади. У сизга куч-

қудрат беради. У сизни ардоқ-
лайди. У сизга келадиган хата-
ру кулфатларни олдиндан се-
зади. Чунки у Сизни СЕВАДИ. У
сиздан шундай кўп яхши жиҳат-
лар топганки, шундай жиҳатлар-
нинг борлигини билгач, ҳатто
ўзингиз ҳам ҳайрон қоласиз...

Ҳанифа ЗОКИРОВА

Ёшлар йили муносабати билан Ўзбекистон
«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марка-
зий Кенгаши ҳамда бир қатор вазирилик ва
ташкилотлар ҳамкорлигида стол тенниси
бўйича қизлар ўртасида «Камолот» малика-
си» Республика мусобақалари ўтказилди.
Уч босқичда ташкил этилган ушбу бахсларда
юртимизнинг минглаб қизлари ўз омадлари-
ни синаб кўришди.

Туман ва вилоят босқичларида сараланган
56 нафар «кичик ракетка» усталари пойтахт-
миздаги «Жар» спорт соғломлаштириш
мажмуида уюштирилган республика финал
босқичида иштирок этди. Мусобақа низомига
кўра, унда қучилар икки (1990-1991, 1992-
1993 йилларда туғилганлар) ёш гуруҳида
аниқланди.

Икки кун давом этган бахсларда 1992-1993
йилларда туғилган қизлар ўртасида пойтахт-
лик Викторина Шербинина барча рақибларини
мағлубиятга учратиб, голиб деб топилди.
Нурсулв Имомбоева (Тошкент вилояти)
ҳамда Муаззам Асқарова (Бухоро)лар
кейинги фахрли ўринларни эгаллашди.

1990-1991 йилларда туғилганлар ўртасида
ўтган учрашувлар финалида сурхондарёлик
Олмагон Бозорова пойтахт вилояти вакиласи
Айнура Ибрагимовага қарши майдонга
тушди. Унда омад Айнурага кулиб бодди.
Учинчи ўрин эса самарқандлик Гулзира
Норбутаевага насиб этди.

Муҳаммад
КЕНЖАБОВ

✓ Спорт

«Камолот» маликаси»



Сизсиз гул — гул эмас, уй — уй эмас

Севимли ёзувчимиз Саид Аҳмаднинг ён дафтаридида шундай сатр-
лар ёзилган экан: «18 ёшли қиз ўтган кўчада баҳор ҳиди қола-
ди». Баҳор ва аёлнинг ўхшаш томонлари кўп аслида. Ҳар иккиси
ҳам гўзаллик тимсоли. Халқаро Хотин-қизлар байрамининг илк ба-
ҳор чоғларида нишонланишида ҳам ўзига ҳослик бор. Хитойликлар-
да «8» рақами бахт келтирувчи рақам ҳисобланган. Илоҳим, аёл-
ларимизга саккизта ният эш бўлиб, орзулари рўёбга чиқаверсин.

Она табиат эса уйғонмоқда. Адир қирларда гўна очган бойче-
қалар пушти ранг бошларини қорлар тагидан кўёш сари кўтармоқ-
да. Ҳадемай, лоззорлар гўлами ловуллабди...

Аёлларнинг гўзал ва оқилалиги, матонат ва сабрли эканлиги
ҳақида халқлар ўртасида кўп афсона ва ривоятлар бор. Айтиш-
ларича, қадимий Туркистонда хевсур табиблари аёллар гўзалли-
гини сақлаш сирини билишар экан: «Жанг майдонидида оғир жаро-
ҳатланган жангчини гўзал ҳамшира қиз парвартирар экан. Бундай
қиз олдида ярадор йигит ўз ориятини сақлаш учун кучли оғриққа
чидаб, бақариш-ийлаш ўрнига ўнсиз табассум қиларкан». Яна
бир ривоятда ҳам аёлларнинг яшатириш кучи ҳақида ҳикоя қили-
нади: «Тодшо ўз дўсти — вазирни тўхмат билан зиндонга ташла-
ди. 40 йилдан кейин тахтга чиққан подшонинг ўғли, вазирнинг
беғуноҳлигини келиб қолади ва зиндонга тушиб, ундан шахсан ўзи
кечирим сўраб, айбини ювиш мақсадида: «Айтинг, ҳамма тилаклар-
рингизни бажаришга тайёрман», дейди. «Раҳмат ўғлим, — дейди
вазир таъсирланиб. — Илтимосим битта, у ҳам бўлса, зиндон
зинаполярларнинг 40 пиллапоясига биттадан қаннэз қўйин-ки, улар
мени қўлма-қўл зиндондан олиб чиқисин». Чоли зиндондан олиб
чиқилганда, ҳамма ҳайрон қолибди, — 80 яшар чол яна 40 ёш
қиёфасига қайтганди. Яъни, ҳар бир қиз унинг ёшини бир йилдан
яшатиришга сабабчи бўлган экан.

Аёлнинг муҳаббатига эришиш учун эрақлар бир умр фидойилик
қўрсатмоққа интилишади. Ноёб гуллар қидириб тоққа чиқиб, кураш
тушиб, жангга кириш, дуэлларда қўн тўкишлар... Унинг бир оғиз ширин
сўзи, мулоҳим ва сирли қарашлари эрақларни турли хил хавф-хатар-
лардан қайтариб, мардлик ва жасорат сари руҳлантириб юборади.

Она алла айтиб, бир қўли билан бешикни, иккинчиси билан
дунёни тебратди, деган гап ҳам бежиз айтилмаган. Балки аёллар
ўтин ёролмас, овга бормас, аммо унинг саришталлиги, рўзгор
ўчоғининг бутунлиги, оилавий ҳамжиҳатлиги калити айнан уларнинг
қўлида! Шундай дидсиз, беўхшов гавда — одам эмас, ҳидсиз гул
— гул эмас, аёйсиз уй — уй эмас. Ҳа, гулгун аёл чехрасида кўклам
нафаси уфуриб турсин, мунис, муқаддас, бокиралик абадул-абад
гўзаллик, бахт рамзи бўлиб қолсин.

Ғофур ЖҲҲҲ

Бухоро вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш худудий консалтинг маркази жамоаси

**муҳтарам отажонларимиз,
дилбар опа-сингилларимиз,
лобар қизларимизни**

**8 март — Халқаро хотин-қизлар байрами
билан самимий табриклайди.**

**Дунёдаги жамики яхшиликлар сизга бўлсин,
чеҳрангиздан табассум ва қувонч аримасин.
Аёллик бахти, бекалик тахти, оналик мартабаси
ҳеч қачон тарк этмасин.**



**Айёмингиз
муборак бўлсин!**

**Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш
ташкilotлари ва корхоналари раҳбарлари диққатига!**

**СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИНИНГ
«ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ»
ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ**

**2008 йилда қуйидаги иншоотни
тўлиқ қуриб битказиш шарти билан
ПУДРАТ ТАНЛОВ САВДОСИ
ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:**

№ п/п	Объектлар номи	Бошланғич нархи 20% КҚС билан	Қурилиш муддати
1	Сирдарё вилояти, Гулистон шаҳридаги Меҳрибонлик уйи, 100 ўринли ётоқхонаси билан.	2805577,522 миңг сўм	14 ой

Буюртмачи манзили: — Сирдарё вилояти, Гулистон шаҳ-
ри, М.Ахтимова кўчаси, 30-уй.

Телефон: 8 (3672) 27-63-86.

Қурилиш ишларини молиялаштириш «Ягона буюртмачи хиз-
мати» инжиниринг компаниясига ажратилган бюджет маблағла-
ри ҳисобидан амалга оширилади.

Талабгор сифатида қатнашаётган корхона ва ташкilotлар қуйи-
даги талабларга мос келишлари керак: ҳисоб рақамидида танлов
савдолари предмети қийматининг камида 20% миқдоридидаги бўш
айланма маблағлари бўлиши, ёки шу миқдорда кредит банк
кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган
меҳнат ресурслари мавжудлиги, шартномалар тузишга ҳуқуқий
лаёқат, ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги,
ўз қучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган
ҳажми 50 фойиздан кам бўлмаслиги шарт.

Савдода қатнашиш ва тендер ҳужжатларига эга бўлиш учун
сўровнома билан савдо ташкilotчиси — **Гулистон шаҳри,
М.Ахтимова кўчаси, 30-уйда** жойлашган Сирдарё вилояти
қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш худ-
удий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича муносабат
қилишлари мумкин.

Тел.: (8 3672) 27-64-84, факс (8 3672) 27-64-42.

Тақлифлар (оферталар)ни савдо ташкilotчисига тақдим этиш-
нинг охириги муддати — оферталар очилиш кунини ва соати.
Тақлифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этил-
гандан бошлаб камида 30 кундан кейин ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2002
йил 12 августда берилган 00458-сонли лицензия билан фаолият
юртган «NZS AUDIT» МЧҲ шаклидаги аудиторлик ташкilotи
ТУГТАИЛАДИ.

Даъво ва эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб икки ой
муддат ичиди қабул қилинади.

Тел.: 434-13-09.

BOSH MUHARRIR:

Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla O'RIPPOV
Latif G'ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Turobjon JO'RAYEV
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Norqobil JALIL
(Bosh muharrir o'rinbosari)
G'afur HOTAMOV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Muslihidin MUHIDDINOV
Nomoza SA'DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:

O'ZBEKISTON XALQ
DEMOKRATIK PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:

Partiya hayoti
233-10-13

Madaniyat va
sport
233-69-45,
(Tel. Faks) 233-21-43

Ijtimoiy hayot va
iqtisodiyot
233-20-36,
233-44-55

Jamoaatchilik bilan
aloqalar va
huquqiy targ'ibot
233-12-56

Mas'ul kotib
233-72-83,
236-55-17

Reklama va e'lonlar
233-38-55,
233-47-80

**VILOYAT
MUXBIRLARI:**

Andijonda —
25-32-70

Buxoroda —
222-10-92

Gulistonda —
25-22-32

Jizzaxda —
5-49-85

Navoiyda —
223-83-73

Namanganda —
6-43-43

Nukusda —
222-70-15

Samarqandda —
35-20-54

Urganchda —
226-51-35

Farg'onada —
26-43-62

Denovda —
8-37641-23-780

MANZILIMIZ:

100000, TOSHKENT,
MABUOTCHILAR
KO'CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi:
Mirbaxtiyor MIRFAZIYEV

Gazeta «O'zbekiston
ovozi»ning kompyuter
markazida teriladi va
sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar:
Ikromjon ISMOILOV
Sobirjon TUNG'ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa
aksiyadorlik kompaniyasi
bosmaxonasida chop etiladi.
Korxonada manzil:
Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston
Matbuot va axborot agentligida
0006-raqam bilan 2007 yil
11 yanvarda ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida,
A-2 formatida bosiladi.
Hajmi 2 bosma tabaq.
Gazeta seshanba, payshanba
va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi»
materiallarini ko'chirib
bosish faqat tahriyat ruxsati
bilan amalga oshiriladi.

Г — 249

15651 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari

O'za yakuni — 21.00
Topshirilgan vaqti — 22.30

1 2 3 4 5 6 7

Sotuvda erkin narxda